

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
“АХБОРОТ СОАТЛАРИ” № 12-2016

Ҳафтанинг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалари
(14-19 ноябрь кунлари)

I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ,
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

**ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ
БИЛАН УЧРАШУВ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев 12 ноябрь куни Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ван Ини қабул қилди.

Шавкат Мирзиёев меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик изҳор этгани ва қўллаб-қувватлагани учун Хитой Халқ Республикаси раҳбариятига, шахсан ХХР Раиси Си Цзиньпинга самимий миннатдорлик билдирди. Хитой ташқи ишлар вазирининг Самарқандда бўлиб, Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтиргани Биринчи Президентимизга юксак эҳтиром ифодасидир.

Самимий ва хайрихоҳлик руҳида ўтган суҳбат давомида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланаётгани ва мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йилда Хитойга ҳамда ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг 2016 йилда Ўзбекистонга ташрифлари ўзаро англашув ва ишончга асосланган муносабатларни янада мустаҳкамлагани, икки тарафлама манфаатли ҳамкорликка янги суръат бағишлаганини алоҳида қайд этдилар.

Мамлакатларимиз мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотларга алоҳида аҳамият қаратади. Бу амалиётни келгусида ҳам давом эттириш, 2017 йилда навбатдаги учрашувларни ўтказишга келишиб олинди.

Ван И жорий йил июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси ва унинг натижаларига яна бир бор юксак баҳо берди. Мамлакатларимизнинг ШХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги яқин ҳамкорлигини давом эттиришдан томонлар бирдек манфаатдор экани таъкидланди.

Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси ва унинг таркибида фаолият юритаётган еттига ихтисослашган қуйи қўмиталар доирасида амалга оширилаётган ишлар самаралари қайд этилди.

Икки томонлама, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кўплаб масалалар бўйича фикр алмашишнинг самарали механизмига айланган ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги йиллик сиёсий маслаҳатлашувлар ўзаро ҳамкорликнинг муҳим бўғини ҳисобланади.

Мулоқот чоғида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий-техникавий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ва сармоявий шерикларидан биридир. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 4 миллиард АҚШ долларидан, Ўзбекистондаги устувор лойиҳаларга жалб қилинган Хитой инвестициялари ва кредитлари ҳажми 6,5 миллиард доллардан ошади.

Хитой компаниялари ва банклари иштирокида мамлакатимизда Қамчиқ довони орқали 19 километрлик темир йўл туннелини ишга тушириш, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи ва Қўнғирот сода заводини қуриш, Хоразм вилоятида замонавий экскаватор ва бульдозерлар ишлаб чиқариш, телекоммуникациялар ва ахборот технологияларини ривожлантириш сингари саноат ва инфратузилма ривожини учун муҳим лойиҳалар, шунингдек, “Жиззах” эркин иқтисодий зонасида инвестициявий лойиҳалар амалга оширилган.

Бугунги кунда “Ангрен” эркин иқтисодий зонасида автомобиль ва кишлоқ хўжалиги техникаси шиналари ва конвейер лентаси ишлаб чиқариш заводини ҳамда “Навоийазот” акциядорлик жамияти негизида поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуасини қуриш каби муҳим инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Энергетика, нефть-газ, ирригация ва мелиорация соҳаларида, инфратузилмаларни модернизация қилиш борасида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида қўшма лойиҳалар тайёрланмоқда.

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётган Ўзбекистон – Хитой маданий-гуманитар алоқаларига ҳам юқори баҳо берилди.

ХХР ташқи ишлар вазири Ван И самимий қабул учун Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдирди. Хитой раҳбарияти Ўзбекистон билан мамлакатларимизнинг узок муддатли манфаатларига мос келадиган барча истиқболли йўналишлар бўйича шерикликни бундан буён ҳам фаол ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан, Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг барқарорлиги, хавфсизлиги, изчил ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлидаги ҳамкорликни давом эттиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинга мустаҳкам соғлик ва улкан муваффақиятлар, Хитой халқига тинчлик ва фаровонлик тилади.

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон 17 ноябрь куни мамлакатимизга ташриф буюрди.

Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов кутиб олди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 18 ноябрга мўлжалланган.

Туркия Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрини зиёрат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдуғон учрашуви чоғида Ўзбекистон – Туркия ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинади, томонларни кизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдуғон 18 ноябрь куни Ҳазрати Ҳизр мажмуига ташриф буюриб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти қабрини зиёрат қилди ва Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар. Ислом Каримов руҳи покига Қуръон тиловат қилинди.

Шундан сўнг Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдуғон ўртасида музокара бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев Биринчи Президентимиз Ислом Каримов вафоти муносабати билан самимий ҳамдардлик йўллагани учун Туркия Президентига миннатдорлик билдирди. Режеп Эрдуғон Самарқандга ташриф буюриб, Юртбошимизнинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтиргани Ўзбекистон халқига юксак эҳтиром ифодасидир.

Ушбу ташриф Туркияда Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга катта аҳамият берилишидан далолат экани қайд қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган.

Ўзбек ва турк халқлари кўп асрлик умумий тарих, ягона тил ва дин, муштарак кадриятлар ва ўхшаш урф-одатлар билан бир-бирига чамбарчас боғланган.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Туркияга ўзининг муҳим ва узок муддатли ҳамкори сифатида қарабини, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ўзаро ишонч тамойиллари асосида ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди.

Режеп Эрдуғон Туркия Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги устувор шерик деб билишини, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлиги ва иқтисодий тараққиёти изчил давом этишига ишончи комил эканини алоҳида таъкидлади.

Икки мамлакатнинг бугунги муносабатлари Ўзбекистон ва Туркиянинг имконият ва салоҳиятига мос эмаслиги, ушбу учрашув ҳамкорликнинг янги саҳифаларини очиш масалалари юзасидан батафсил фикр алмашиш учун қулай имконият экани қайд этилди.

Музокарада Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлаш масаласи муҳокама қилиниб, ташқи сиёсат

маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар ташкил қилиш, халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаш тўғрисида фикр алмашилди.

Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилоти фаолияти доирасида Самарқандда Имом Бухорий халқаро тадқиқотлар марказини таъсис этиш таклифини илгари сурди. Томонлар ИХТнинг Туркиядаги Ислом тарихи, санъати ва маданияти тадқиқотлари маркази бу ташаббусни қўллаб-қувватлаганидан мамнуният изҳор қилдилар.

Суҳбат чоғида савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Туркия Ўзбекистоннинг анъанавий ва муҳим савдо шерикларидан биридир. 2015 йилда ўзаро савдо ҳажми 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу борадаги ўсиш суръатлари жорий йилда ҳам сақланиб қолиши кутилмоқда. Лекин томонлар қайд қилганидек, бу рақамлар мамлакатларимиз салоҳиятини акс эттирмайди. Бу миқдорни яқин йиллар ичида 2-3 марта ошириш учун етарли имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Туркиянинг 500 га яқин фирма ва компаниялари фаолият юритмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинган Туркия сармояси ҳажми 1 миллиард доллардан ошади.

Суҳбат чоғида ушбу ташриф икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка янги суръат бахш этишига ишонч билдирилди.

Томонлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва чуқур қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, қадоклаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича мажмуалар барпо этишга, тўқимачилик ва терини қайта ишлаш саноатида замонавий кўшма корхоналар яратишга, хусусан, биргаликда пахта толаси ва тери хомашёсини чуқур қайта ишлаш орқали тайёр брэндли маҳсулотларни ташқи бозорларга чиқаришни йўлга қўйиш, фармацевтика соҳасида ҳамкорликка оид янги лойиҳалар тузиш ва амалга ошириш масалаларини кўриб чиқдилар.

Туркиянинг етакчи туристик компанияларини жалб этган ҳолда Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Тошкент вилоятларида халқаро талабларга мос замонавий сайёҳлик мажмуалари барпо этиш масалалари муҳокама қилинди.

Транспорт коммуникацияларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. “Боку – Ахалкалаки – Қарс” темир йўлининг ишга туширилиши икки мамлакатни бир-бири билан боғлайдиган тўғридан-тўғри транспорт йўлагини яратишдек стратегик аҳамиятга эга масалани ҳал этишда, бинобарин, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлиши қайд этилди.

Муҳокама қилинган масалалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ва Туркиянинг ўз олдига қўяётган мақсадларига эришиш учун келаси йил бошида Тошкент шаҳрида Ҳукуматлараро кўшма комиссиянинг навбатдаги мажлисини ўтказишга, унинг доирасида Ўзбекистон – Туркия сармоявий форумини ташкил қилишга келишиб олинди.

Давлатлараро муносабатларда маданий-гуманитар ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди. Томонлар бу борадаги шерикликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.

Шавкат Мирзиёев ва Режеп Эрдуғон ушбу учрашув давомида эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтариб, ўзаро манфаатли соҳаларда ҳамкорликнинг янги саҳифасини очишга хизмат қилишига қатъий ишонч билдирдилар.

Куннинг иккинчи ярмида олий мартабали меҳмон Имом Бухорий ва Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуалари, Амир Темур мақбарасини зиёрат қилди, Регистон майдонини кўздан кечирди.

Режеп Эрдуғон истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида бу эзгу масканлар тубдан қайта таъмирланиб, мутлақо янги қиёфа касб этганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон аждоқларимизнинг бой маънавий меросини тиклаш, ўрганиш ва дунёга танитишда юксак натижаларга эришаётганини қайд этди.

Шу билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдуғоннинг мамлакатимизга ташрифи якунига етди.

ЎЗБЕКИСТОН ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЧАРМ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАЛАРИДА ҲАМ ЎСИШГА ЭРИШМОҚДА

Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси республика иқтисодиётининг 2016 йил январь-сентябрь ойида эришган натижаларига доир рақамларни эълон қилди. Унга кўра, жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида 12353,5 млрд. сўмлик ёки 2015 йилнинг тегишли даврига нисбатан 114,8 фоиз миқдорида тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, чарм маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Ушбу маҳсулотлар турлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми умумий саноат ҳажмининг 15,8 фоизини ташкил этди, деб хабар қилади қўмита матбуот хизмати.

Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9 фоизга, кийимлар – 22,3, чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 35,1 фоизга ошган.

Ушбу товар турларини ишлаб чиқариш бўйича республиканинг умумий ҳажмидаги энг кўп улуш асосан Андижон вилояти (12,2 фоиз), Тошкент шаҳри (11,9), Фарғона (11,8), Самарқанд (10,3) ва Тошкент (8,4) вилоятларидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Кичик тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, айнан шу фаолият тури билан шуғулланувчи корхоналарга ҳам барқарор ривожланиш имконини бериб, уларнинг кўрсаткичлари ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 19,4 фоизга ошган, бунда тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмида тадбиркорлик субъектларининг улуши 66,1 фоизни ташкил этган.

Ҳозирги кунда республикада 3047 та тўқимачилик корхонаси, 4774 та тикувчилик корхонаси, 691 та чарм маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона

фаолият юритмоқда. 2016 йил 9 ойи давомида ушбу фаолият турлари бўйича 966 та корхона янгидан ташкил этилган.

II. ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

ТРАМП ИНАУГУРАЦИЯСИДАН СЎНГ РАФИҚАСИ ВА ЎҒЛИ НЬЮ-ЙОРКДА ЯШАШДА ДАВОМ ЭТИШЛАРИНИ ТАСДИҚЛАДИ

АҚШ президенти этиб сайланган Дональд Трамп унинг оиласи кенжа ўғли Бэррон Нью-Йоркдаги ўқишини ташлаб, уни бошқа ерда давом эттиришига қарши чиқаётганлигини маълум қилди. Шунинг учун унинг рафиқаси Меланья ва ўғли Бэррон Дональд Трамп инаугурациясидан кейин ҳам Нью-Йоркда яшашда давом этишади ва ўқув йили тугагандан кейингина Трамп билан бирга Оқ уйда бўла олишади. Аввалроқ ОАВ АҚШнинг бўлғуси биринчи хоними ўғли Бэррон Нью-Йоркдаги хусусий мактабда ўқиши тугамагунча, Оқ уйга кўчиб ўтмай, ўғли билан бирга Trump Tower биносининг пентхаусида қолишларини маълум қилганди.

ЛИВИЯ ЖАНУБИДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН ҲАРБИЙ ЗИДДИЯТ САБАБИ АНИҚЛАНДИ

Ливия жанубидаги Сабха шаҳрида 4 кундан бери давом этаётган курулли тўқнашувда камида 16 киши ҳалок бўлган, 50 киши тан жароҳати олган. Маҳаллий қабилалар ўртасидаги келишмовчиликка эса қўлга ўргатилган маймун сабаб бўлгани айтилмоқда. Гап шундаки, Ғаддодфа қабиласидан савдо дўкони соҳибининг маймуни Сулаймон авлоди қабиласининг мактаб ўқувчиси бошидаги рўмолни олиб қочган. Бунга жавобан, Сулаймон авлоди маймунни ва дўкон эгаси оиласининг уч аъзосини ўлдирган. Шундан сўнг, шаҳарда танклар, миномётлар ва бошқа турдаги оғир техникалардан фойдаланган ҳолда ҳақиқий уруш бошланиб кетган. Ғаддодфа ва Сулаймон авлоди – минтақадаги энг обрўли ва энг кучли курулланган қабилалар ҳисобланишади. Бундан ташқари, Сабха курул-яроғлар контрабандаси марказидир. Муаммар Қоззофий ўлдирилгач, шаҳарда тез-тез шу каби тартибсизликлар юз бериб туради.

ҲАЛАБ ШАРҚИДА ЗИЁН ЕТМАГАН БИРОРТА ШИФОХОНА ҚОЛМАДИ

Ҳаводан берилган кетма-кет зарбалардан кейин Шарқий Ҳалабдаги барча шифохоналарга зиён етган. Бу ҳақда Daily Sabah нашри хабар берди. Башар Асад ва унинг иттифокдошлари бир неча ҳафталик танаффусдан кейин, сешанба кунидан бошлаб шаҳарнинг шарқий қисмига ҳаводан зарбалар бера бошлашди. Жума куни улар муҳолифат позицияга қарши ер усти ҳужумларига ҳам старт беришди. Асад тарафдорлари Ҳалабдаги муҳолифат кучларга қарши кампаниясини ишга туширганда Суриядаги давомли урушда тинч аҳоли жабр кўрмоқда. Якшанба кунги бомбардимон натижасида олти кишидан иборат оила ҳалок бўлган. Тиббий ходимларнинг сўзларига кўра, Сакхурга тушган

бомба таркибида газсимон хлор бўлган. Уришни кузатиб бораётган Сурия Инсон ҳуқуқлари обсерваторияси бомбада газсимон хлорнинг борлигини тасдиқламаган.

Сурия Инсон ҳуқуқлари обсерваториясининг уруш мониторингига кўра, шанба куни Шарқий Ҳалабда 48 нафар киши ҳалок бўлган, уларнинг камида 5 нафари болалар эканлиги таъкидланди. Бу сўнгги кунларда бомбардимон натижасида ҳалок бўлганлар сонини тахминан 180 кишига оширади. Манбага кўра, шанба куни ҳарбий самолётлар, артиллерия ва вертолётлар Шарқий Ҳалабни бомбардимон қилишда давом этган, ҳужум уюштирилган ҳудудлар орасида аҳоли зич жойлашган туманлар ҳам бўлган. Шу жумладан, Бўстон-ал-Баша туманида интенсив тўқнашувлар юз берган. «Бу ҳужумлар муҳолифат билан бирга болалар, қариялар ва аёллар учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган тиббий муассасаларни ҳам йўқ қилди», — деб ёзган Ҳалаб соғлиқни сақлаш маъмурияти Reuters агентлигига. Ташқи ишлар вазири Валид ал-Муаллимнинг сўзларига кўра, шарқий ҳудудлардаги муҳолифат кучлар ҳайдалиши биланоқ шаҳар «қайта тикланади».

Материалларни тайёрлашда республика ОАВ хабарларидан фойдаланилди.